



## ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Хўжаназарова Мақсада Мухаммадовна  
ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Мазкур мақола мамлакатимизда хотин-қизларининг сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манбаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар ҳавида сўз боради.

**Калит сўзлар:** хотин, давлат, сиёсат, такомиллаштириш, механизм, қарор, қонун, жиноятчилик, фаоллик.

Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оиласарда маънавий-ахлоқий мухитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизmlарини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ҳолати ҳақида Президентимиз Ш.М. Мирзиёев “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги фармонида шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор қоидалари бевосита жиноятларнинг олдини олиш хусусиятига эга бўлиб, фуқароларни ҳар хил турдаги жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишда ва уларни жамиятдаги умуминсоний, ахлоқий нормалар асосида тарбиялашда манбаа ҳисобланади. Мазкур нормалар профилактика хизматларининг аёллар ўртасидаги жиноятчиликга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлилини белгилаб беради. Жиноятларнинг олдини олиш ҳар биримизнинг вазифамиз ҳисобланаб, бу борада бир қанча вазифаларни ҳам амалга ошириш лозим. Жумладан, жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолият юритувчи субъектлар самарали ишлаши керак. Уларнинг вазифалари аниқ белгилаб қўилиши даркор.

Агар тарих зарварақларига назар ташлайдиган бўлсак, аёл доимо жамият эътиборида бўлиб келган. Бироқ, таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ хотин-қизлар масалалари яъни, Республикада аёлларнинг ижтимоий аҳволи ва турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояланишини кучайтириш ҳамда хотин-қизларнинг жамият ривожи ва давлат бошқарувидаги фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айни пайтда, Ўзбекистон хотин-қизларининг жамият ва давлат бошқарувида иштирокини



янада фаоллаштириш учун аёлларга оид давлат сиёсатининг муҳим ҳуқуқий асослари ҳам яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКнинг нормалари талаблари асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шартшароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоа ёки мансабдор шахсга тақдимнома ёки суд томонидан хусусий ажрим киритилишида кузатиш мумкин.

ЖКнинг жиноятларнинг олдини олиш чоралари деб номланган олтинчи бўлимида жиноят ишларини юритишида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шартшароитларни аниқлашлари шартлиги (296-модда), суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шартшароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритиши (297-модда), жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома ёки хусусий ажрим юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичидаги тегишинча суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки судни хабардор қилиши шартлиги (299-модда) ҳақидаги моддалар мавжуд.

Мазкур нормалар асосида хотин-қизлар томонидан содир этилган ҳар қандай жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судлар тақдимнома киритиши ва маъсул органлар билан келгусида бу каби ҳолатлар содир этилмаслиги юзасидан зарурий чора-тадбирларни амалга оширишлари шартлиги келиб чиқади.

*Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги<sup>105</sup>* Фармон мақсади оила, хотин-қизлар ва кекса авлод вакиллари билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлашдан иборат этиб белгиланди.

<sup>105</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 марта "Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-81-сон Фармони



Фармонда оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-куватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилаб берилди, *биринчидан*, хотин-қизларни иш билан таъминлаш; *иккинчидан*, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш; *учинчидан*, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш; *тўртинчидан*, ижтимоий-иқтисодий ва маиший турмуш тарзини яхшилаш; *бешинчидан*, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш; *олтинчидан*, хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустахкамлаш; *еттингчидан*, жамиятда оиласи қадриятларни мустахкамлаш<sup>106</sup>.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида<sup>107</sup>ги қарор билан мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш янгича тизим ва ёндашув асосида амалга оширилиши йўлга қўйилди<sup>108</sup>.

Мазкур қарорда бевосита хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини ҳуқуқий тартибга солиш масаласи назарда тутилмаган бўлса-да, хуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини самарали амалга ошириш механизмлари доирасида қуйидагилар *устувор вазифалар ва фаолият йўналишлари* этиб белгиланди:

1) хуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини, шу жумладан хуқуқбузарликлар динамикаси, уларни содир этиш тақориийлиги, ижтимоий фикр, профилактик ишлар натижасидан фуқароларнинг қониқиши ҳосил қилиши ва аҳоли билан ҳамкорлик даражасини инобатга оладиган баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этиш;

2) идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш;

3) ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, шу жумладан жиноят содир этган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

<sup>106</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 марта “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони// URL: <http://www.lex.uz>.

<sup>107</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833

<sup>108</sup> Ҳўяқулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича давлат стратегиясининг мазмунмоҳияти // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2020. – № 3 (46). – Б. 105.



4) ҳуқуқбузарликлар профилактикасиға фуқаролар ва жамоат ташкилотларини, шу жумладан уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини такомиллаштириш<sup>109</sup>.

Мазкур қарор асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизими яратилди. Аҳамиятлиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмасликдек эскича ёндашувга барҳам берилди.

*Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида<sup>110</sup>ги Фармони билан “2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича” Миллий дастур қабул қилинди.*

Миллий дастурнинг мақсади - хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларнинг таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, иқтидорли ва билимли қизларни тарбиялаш ҳамда уларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда, хусусан, давлат бошқарувида уларнинг ролини мустаҳкамлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлашдан иборат<sup>111</sup>.

Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент фармони билан мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлигини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни тизимли давом эттиришнинг асосий ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланади. Ушбу фармон асосида 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастур қабул қилинди. Миллий дастурни амалга оширишда хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барваҳт олдини олиш, уларда ҳуқуқий маданият ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш чораларини кўриш каби асосий вазифалар белгилаб олинган.

<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3141186> (01.09.2021).

<sup>110</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартағи “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон Фармони

<sup>111</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.03.2022 й., 06/22/87/0198-сон



Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>112</sup>ги Қарори ҳам жиноят содир этган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни ташкил этишд мухим хукуқий асослардан биридир. Мазкур Қарор билан “Зўрлик ҳамда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ушбу ҳаракатлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш бўйича йўл харитаси” тасдиқланди. Йўл харитада белгиланган “Хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш” чора-тадбир асосида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб вазирлиги ҳузурида 1 та Республика маркази, 14 та ҳудудий марказлар ва 14 та намунали туманлараро марказларни ташкил этилиши белгиланди.

Фикримизча қарорда зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш масалаларига эътибор қаратилган, шу боисдан йўл харитада “Жиноят содир этган хотин-қизларни ижтимоий реабилитацяи қилиш ва ижтимоий мослаштириш марказлари”ни ташкил этиш бўйича алоҳида чора-тадбирни белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, хотин-қизларга доир янгилик ва ўзгаришларни ҳали кўп санаш мумкин. Бу ютуқлар ўзимизники. Лекин хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятимизнинг тенг хукуқли аъзосига айлантириш йўлида айрим камчилик ва муаммолар учраб туришидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL:  
<http://www.lex.uz:>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 марта “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 марта “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони// URL: <http://www.lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833

<sup>112</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5116-сон Қарори



5. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича давлат стратегиясининг мазмун-моҳияти // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2020. – № 3 (46). – Б. 105.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5116-сон Қарори